

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 49 Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2077*

*(2010 йил 14 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 17-сон, 209-модда) мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори**

**Х. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 13 январь,  
10-8/125

**Маданият ва спорт  
ишлари вазири**

**А. ЖАББОРОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 13 январь,  
1-ҚҚ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш  
агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг  
2010 йил 13 январдаги 10-8/125,  
1-ҚҚ-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисида НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»-  
ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 17-сон,  
209-модда) ва «Музейлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37-38-сон, 364-модда) қонунларига муво-  
фиқ Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясининг тарки-  
би, мақсади, уни шакллантириш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини бел-  
гилайди.

#### **1-§. Умумий қоидалар**

1. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси Ўзбекистон  
Республикасида нашр қилинган почта тўловининг давлат белгиларини ти-  
зимли йиғишни ўз ичига олади.

2. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини шакллан-  
тириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга  
оширилади.

3. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини сақлаш  
жойи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи билан  
аниқланади.

4. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси Ўзбекистон  
Республикасида нашр қилинган почта тўловининг давлат белгиларини ом-  
мавий тақдим этиш мақсадида яратилади.

5. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси қуйидаги-  
лар учун мўлжалланган:

ўз таркиби билан почта тўловининг давлат белгиларини ривожланти-  
риш тарихи ва замонавий ҳолатини ҳар томонлама акс эттириш;

Ўзбекистон Республикасининг тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва иж-  
тимой ҳаётини ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим воқеаларни почта  
тўловининг давлат белгилари воситасида тарғиб қилиш;

почта тўлови давлат белгиларининг, шу жумладан хорихда кўргазмага  
қўйиладиган почта тўлови давлат белгиларининг экспозицияси ва кўчма  
кўргазмаларини яратиш;

почта ривожланиши ва почта тўлови давлат белгиларининг тарихи бўйича  
илмий-тадқиқот ишларини алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ташкилот-

лари, бошқа идоралар ҳамда Республика филателия жамияти мутахассислари, илмий ходимлари томонидан бажариш.

## **2-§. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси таркиби**

6. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси қуйидагилардан иборат:

- почта тўлови давлат белгиларининг асосий фонди;
- почта тўлови давлат белгиларининг ёрдамчи фонди.

7. Почта тўлови давлат белгиларининг асосий фонди таркибига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг почта маркалари;
- маркаланган нашрлар: Ўзбекистон Республикасининг маркаланган почта конвертлари, почта варақчалари.

8. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясининг асосий фонди қуйидагилар учун мўлжалланган:

почта тўлови давлат белгиларининг ҳақиқийлигини индентификация қилиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасида нашр этилган почта тўловининг давлат белгиларини тўплаш, сақлаш ва доимий фаолият юритувчи экспозицияни яратиш.

Асосий фонд предметлари олиб қўйилмайди.

9. Ёрдамчи фонд ҳам асосий фондга кирган қисмларни ўз ичига олади ва қуйидагилар учун мўлжалланган:

асосий фондни тўлдириш, шу жумладан филателия алмашинуви йўли билан тўлдириш;

кўрғазмаларда почта тўловининг давлат белгиларидан фойдаланиш;

почта тўлови давлат белгиларининг тарихи масалалари, замонавий ҳолати ва почта муомаласи бўйича фото- ва киноматериалларни тайёрлаш.

10. Ёрдамчи фонд материалларидан фойдаланиш учун рухсатнома тегишли сўровнома бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан берилади.

## **3-§. Почта тўловининг давлат белгилари Давлат коллекциясини шакллантириш ва сақлаш**

11. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини шакллантириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғига мувофиқ қуйидаги йўллар билан:

1992 йилдан нашр этилган почта тўловининг давлат белгиларини «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) архив захирасидан бериш;

алоҳида қийматга эга бўлган коллекцияларни ва алоҳида почта тўловининг давлат белгиларини сотиб олиш;

коллекция нусхаларини сотиб олиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан филателия алмашинуви ёрдамида амалга оширилади.

12. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини янги нашр этилган почта тўловининг давлат белгилари билан тўлдириш ташкилотлар ва жисмоний шахслардан сотиб олиш, шунингдек филателия алмашинуви йўли билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ маблағлари, коллекциялар ва почта тўловининг давлат белгиларини коллекционерлар томонидан ихтиёрий равишда бериш, ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватлаш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини сақлаш давлат сақлаш хоналарида архив ва ҳужжатли фондларни сақлаш учун белгиланган шароитларда, шунингдек O'z DSt 1129:2007 «Почта маркалари. Техник шартлар» давлат стандартининг талабларига мувофиқ таъминланади.

#### **4-§. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини ҳисобга олиш**

14. Почта тўловининг давлат белгиларини ҳисобга олиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг почта тўловининг давлат белгиларини муомалага киритиш тўғрисидаги буйруғи билан бириктирилган идентификация рақами бўйича амалга оширилади.

Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини ҳисобга олиш учун почта тўловининг давлат белгилари тўғрисидаги барча асосий маълумотлар: идентификация рақами, номи, номинали, ранги, тури, ўлчамлари, перфорациялаш усули, варақдаги маркалар миқдори, адади, рассом ёки дизайнернинг фамилиясини ўз ичига олиши керак бўлган каталогли варақчалар юритилади.

15. Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси фондларида ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвентаризация ишлари ўтказилади.

16. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи билан Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини сақлаш жойи этиб белгиланган ташкилот қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг физик сақланганлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коллекцияга кирадиган предметлар билан боғлиқ бўлган ҳисобга олиш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш учун жавобгар бўлади.

#### **5-§. Якуний қоида**

17. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш,

рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш,  
рақобат ва тадбиркорликни  
қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.*

**Б. УЛАШОВ**

*2009 йил 18 декабрь*

*«Ўзбекистон почтаси»  
Очиқ акциядорлик жамияти  
Бош директори*

**Р. ҚОСИМОВ**

*2009 йил 18 декабрь*